

YURIDIK FANLAR AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES



huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

правовой научно-практический журнал

legal scientific-practical journal

2021/3



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 5 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ
АБДУРАСУЛОВИЧ**
Солиқ интизомини бузганлик учун
маъмурий жавобгарлик

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 15 **БАБАЕВ ЖАҲОНГИР
ИСМОИЛБЕКОВИЧ**
Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш
муносабатларида истеъмоличига
етказилган зарарни қоплаш
субъектларини аниқлаш масалалари

- 26 **ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕҲЗОД
БАХТИЁРОВИЧ**
Шарқда банкротлик элементларини
акс эттирувчи манбалар ва
уларнинг ҳуқуқий тавсифи

- 39 **БУРХАНОВА ЛЕЙЛА
МАРИУСОВНА**
Особенности правового регулирования
безвестного отсутствия физических лиц
по гражданскому праву Республики
Узбекистан: понятие и основания
установления факта безвестного
отсутствия

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

- 52 **АНОРБОВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**
К вопросу об общественной опасности
и конструктивных особенностях
преступлений в виде вмешательства
в расследование или разрешение
судебных дел

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA.
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA
SUD EKSPERTIZASI

63 **ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**
К вопросу обеспечения безопасности
биометрических данных в период
диджитализации общества

75 **ПРИМОВ БАХТИЁР ОЛИМ ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда жиноят процесси
жараёнида техник воситалар ва
электрон далиллар имкониятларидан
фойдаланиш масалалари

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

80 **ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН
ЭРГАШ ЎҒЛИ**
Оммавий иштирок халқаро
стандартларининг ривожланиш
тенденциялари

12.00.11 – PARLAMENT HUQUQI

90 **ЮСУПОВ САРДОРБЕК
БАҲОДИРОВИЧ**
Давлат бюджети устидан парламент
назорати моҳияти: илмий-назарий
таҳлил

99 **АБДУКАДЫРОВ ДОНИЁР
ХУСАНОВИЧ**
Обзор организационно-
информационного и материально-
технического обеспечения
деятельности парламентов
Великобритании и Канады

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

108 **PAULETTO CHRISTIAN Z.**
Language of the law as a foreign
language: the challenge for globalized
legal education and a few didactic tools

UDC: 336.225.6(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-3924-5182

СОЛИҚ ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Эргашев Икром Абдурасулович,
Тошкент давлат юридик
университети мустақил изланувчиси,
доцент, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
e-mail: ikromabdurasulovich@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик асослари ёритилган. Бунда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликда белгиланган солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликка доир нормалар тизимли таҳлил қилинган, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий ўрганилган, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган. Шу билан бирга, мақолада солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш солиқ сиёсати устуворлигига айланиши зарурлиги ўрганилган. Бунга солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ мониторинги ва назоратини амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш кабиларни ҳаётга татбиқ этиш орқали эришилиши асосланган. Ўзбекистон Республикасида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масаласини солиқ ва молия ҳуқуқига доир илмий-назарий адабиётлар, тегишли статистик маълумотлар ва бошқа амалиёт материалларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш орқали ҳал қилиш муҳим эканлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: солиқ агенти; солиқ интизоми; солиқ маъмуриятчилиги; солиқ тизими; мажбурият; ҳуқуқбузарликлар; солиқлар турлари; мажбурий тўловлар; солиқ мажбурияти; солиқ тўловчи; жавобгарлик; молиявий жавобгарлик; юридик жавобгарлик.

АДМИНИСТРАТИВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЕ НАЛОГОВОЙ ДИСЦИПЛИНЫ

Эргашев Икром Абдурасулович,
доктор философских наук (PhD), доцент,
независимый соискатель Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье описаны основы административной ответственности за налоговые правонарушения. Проведен систематический анализ норм материальной ответственности за нарушение налоговой дисциплины, установленной в части административной ответственности за налоговые правонарушения, изучен опыт зарубежных стран, существующие проблемы и разработаны рекомендации по их решению, даны предложения по совершенствованию законодательных актов в анализируемой сфере. Вместе с тем в статье утверждается, что предупреждение налоговых правонарушений должно стать приоритетом налоговой политики. В осно-

ве этого – повышение правовой культуры налогоплательщиков, внедрение современных методов налогового мониторинга и контроля, осуществление комплексной помощи налогоплательщикам в выполнении налоговых обязательств. Также проанализирована важность решения задач касательно вопроса административной ответственности в Республике Узбекистан за налоговые правонарушения посредством изучения и анализа научно-теоретической литературы, соответствующей статистики и других практических материалов по налоговому и финансовому праву.

Ключевые слова: налоговый агент; налоговая дисциплина; налоговое администрирование; налоговая система; обязательство; налоговые правонарушения; виды налогов; обязательные платежи; налоговое обязательство; налогоплательщик; ответственность; административная ответственность; материальная ответственность; юридическое обязательство.

ADMINISTRATIVE RESPONSIBILITY FOR VIOLATION OF TAX DISCIPLINE

Ergashev Ikrom Abdurasulovich,

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor,
Independent Applicant of the Tashkent State University of Law

Abstract. This article covers the basics of administrative liability for tax offenses. Author carried out a systematic analysis of the norms of material liability for violation of tax discipline established in the part of administrative liability for tax offenses, studied not only experience of foreign countries, but also existing problems, developed recommendations for their solution and gave own proposals to improve legislative acts in the analyzed area. At the same time, in this article author argues that the prevention of tax violations should be a priority of tax policy. This is based on improving the legal culture of taxpayers, introducing modern methods of tax monitoring and control, providing comprehensive assistance to taxpayers in fulfilling tax obligations. It was also analyzed the importance of solving problems regarding the issue of administrative responsibility in the Republic of Uzbekistan for tax offenses through the study and analysis of scientific and theoretical literature, relevant statistics and other practical materials on tax and financial law.

Keywords: tax agent; tax discipline; tax administration; tax system; obligation; tax offenses; types of taxes; mandatory payments; tax obligation; taxpayer; liability; administrative responsibility; material responsibility; legal obligation.

Кириш

Демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда бугунги кунда мазкур модел асосида ислохотларни амалга оширишда молия қонунчилигини мустақамлаш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқ турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини соддалаштириш, амалдаги қонунчиликни либераллаштириш ҳамда эркинлаштириш муҳим ўрин тутди.

Умуман, ўтган давр мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги модели асосида юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизнинг мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилиб, уни амалиётга жо-

рий этиш мақсадида молия қонунчилиги, хусусан, солиқ қонунчилиги шаклланди ва такомиллаштириб борилмоқда. Аммо қонунчилик қанчалик такомиллаштириб борилмасин, ижтимоий ҳаётимизда солиқ қонунчилиги нормалари, жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳамда солиқ тўловчилар томонидан олинган даромадларни турли йўллар билан яшириш ҳолатлари ҳамон кузатилмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг нафақат иқтисодиёти, балки ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам солиқ қонунчилиги бузилиши ва бу соҳаларда маъмурий

жавобгарликни қўллашда вужудга келадиган қонун бузилишларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш амалдаги тadbирлар ва усулларни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Солиқ мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, бунда жавобгарлик масаласи бир соҳа эмас, балки маъмурий, молиявий ва жиной жавобгарлик соҳалари билан тартибга солинади.

Маълумки, маъмурий жавобгарлик, ўз навбатида, солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг асосий турларидан бири саналади.

Умуман, ҳуқуқ назариясида маъмурий жавобгарлик масаласи бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бу масалага бир хил ёндашган, яъни улар маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг алоҳида тури сифатида эътироф этишган. Биз ҳам мазкур ёндашувни қўллаб-қувватлаган ҳолда, маъмурий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг алоҳида тури сифатида баҳолаймиз.

Мамлакатимизда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиной жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг солиқ соҳасидаги вазифалари – солиқ соҳасида ўрнатилган ижтимоий муносабатлар, инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, солиқ соҳасидаги ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида кўриб чиқиш, шунингдек, уларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдир.

Ҳуқуқ назариясига мурожаат этганимизда, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масаласининг баъзи жиҳатлари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида солиқ соҳасига дахлдор бўлган илмий изланишлар Л.Б. Хван томонидан – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари бўйича [1], Б.Ю. Сирожов томонидан – Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари бўйича, Е.С. Канъязов томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари бўйича [2], Э.Т. Ҳожиёв томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари бўйича [3] олиб борилган.

Шунингдек, солиқ масалалари А.В. Андриев, О.Н. Горбунова, Е.Ю. Грачева, М.В. Карасева, Ю.А. Крохина, А.А. Ли, А.А. Мусаткина, А.А. Раҳимова, Э.Т. Ҳожиёв, Н.И. Химичева, Ш. Билолхўжаева, Ғ.Т. Ҳақимов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган [3-13].

Хусусан, хорижий олимлардан Ю.Н. Стариков, Ю.А. Крохина, В.В. Мудрых, Ю.Ф. Кваша, В.В. Худолеев ва маҳаллий олимларимиздан В.Н. Стасько, А.А. Ли, Л.Б. Хван,

Э.Т. Ҳожиёв ва бошқалар ўз ишларида солиқ масалаларини тадқиқ қилишган. Жумладан, Ю.Н. Старилов, Ю.А. Крохина, В.В. Мудрых каби олимларнинг илмий изланишлари солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликнинг бир қатор хусусиятларини белгилаб берди.

Маъмурий жавобгарлик – ижтимоий ҳаёти юқори бўлмаган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади. Маъмурий жавобгарлик – фуқаролар ёки мансабдор шахсларнинг солиқ қонунчилиги нормаларини бузишда ифодаланувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг оқибати ҳисобланади.

Ю.Н. Старилов фикрича, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик солиқ муносабатларида давлат номидан ҳаракат қилувчи давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан қўлланади ва бошқалар [14].

Ш. Абдуқодировнинг фикрича, маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ҳамда мансабдор шахслари томонидан процессуал тартибда маъмурий жазонинг қўлланилишидир [15].

Маҳаллий олимларимиздан Э.Т. Ҳожиёв эса солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатади [16]:

солиқ соҳасида ўрнатилган давлат бошқаруви (тартиби);

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги;

ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши;

бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

Умуман, ҳар қандай жавобгарликнинг фактик асоси қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) бўлганидек, маъмурий жавобгарликнинг ҳам фактик асоси маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Шунга мувофиқ, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам солиққа оид маъмурий жавобгарликнинг фактик асосидир. Р.Т. Бердияров ва З.Н. Қурбоновларнинг фикрича, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатлари билан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган ҳамда солиқ соҳасида бошқарувнинг ўрнатилган тартибига тажовуз қиладиган айбли (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади [17].

Материал ва методлар

Солиқ ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий жавобгарлик масалаларини ўрганиш, солиқ интизомини бузганлик учун молиявий жавобгарликка тааллуқли қонунчилик нормаларини тизимли таҳлил қилиш. Хорижий мамлакатлар тажрибаси қиёсий ўрганилди. Бунинг учун таҳлил, синтез, абстракция ва таққослаш каби илмий билишнинг техника ва усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик барча солиқ тўловчилар учун татбиқ қилинадиган умуммажбурий қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун қўлланилади. Жавобгарликнинг мазкур кўриниши бевосита солиққа оид ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

Маълумки, солиқ соҳасидаги маъмурий жавобгарлик масалалари қонунчилик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, одиллик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади. Бевосита мазкур принципларга таянган ҳолда, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг солиқ соҳасидаги вазифасини белгилашимиз

мумкин. Бу вазифалар – солиқ муносабатлари соҳасида ўрнатилган ижтимоий муносабатлар, инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, солиқ билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида объектив тарзда кўриб чиқилиши, шунингдек, солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ҳурмат ва риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда “маъмурий жавобгарлик тушунчаси”га ойдинлик киритилмаган. Унда фақатгина ушбу кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади, дейиш билангина кифояланган.

Маъмурий жавобгарликка нисбатан бундай ёндашиш, *биринчидан*, у ҳақида ҳеч қандай тасаввур ҳосил қилмайди, *иккинчидан*, жавобгарликнинг бу турини жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб олиш имконини бермайди.

Бундан ташқари, Солиқ кодексда “солиққа оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаси келтирилган бўлса-да, “солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик” тушунчасининг мазмуний ифодаси келтирилмаган. Кодексда фақатгина солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси сифатида молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби келтирилган. Бизнинг фикримизча, ҳар иккала кодексда ҳам юқоридаги тушунчалар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топиши лозим.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида солиққа оид

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари бевосита Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 264-моддасида назарда тутилган нормаларда берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ хизмати органларига тааллуқлидир. Шу ўринда қайд этиш лозимки, давлат солиқ хизмати органи бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи, унинг ўринбосари, Департамент ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар бўлимларининг бошлиқлари тегишинча мазкур кодекс 264-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган органлар (Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари) номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар.

Ўз навбатида, қайд этиш лозимки, бизнинг фикримизча, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммолардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмаганлигидир. Аммо солиқ қонунчилигида юридик шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, қонунчиликдаги юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар ўзаро мувофиқлаштирилиши лозим.

Шундай қилиб, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик барча солиқ тўловчилар учун татбиқ қилинадиган умуммажбурий қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун қўлланилади. Жавобгарликнинг мазкур кўриниши бевосита солиққа оид ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

Бизнингча, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик – солиқ қонунчилиги бузилиши натижасида солиқ тўловчига нисбатан солиқ ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир.

Шу ўринда солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг юридик таркибига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳуқуқбузарликларнинг умумҳуқуқ назариясида эътироф этилган таркибидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир [18].

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объектив томони дейилганда, солиқ солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида содир этилган ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади [19].

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъекти эса ҳуқуқбузарликни содир этган ва жавобгарликка тортилувчи муомала лаёқатига эга шахс ҳисобланади. Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормаларига мувофиқ, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ҳуқуқбузарликни содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлган бўлиши лозим.

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томони эса ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айблилик даражасидир. Шундай қилиб,

мазкур юридик таркиблар солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва унга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилашда асосий ўрин тутаяди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шахс солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн олти ёшга тўлган бўлиши талаб этилади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 13-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 211-моддаси).

Солиққа оид маъмурий жавобгарлик субъектлари хусусида тўхталганимизда эса, аввало, ҳуқуқшунос олим Э.Т. Ҳожиев солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бунда шахс нафақат ўн олти ёшга тўлган бўлиши, балки қонун ҳужжатлари билан унга солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш мажбурияти ҳам юкланиши ҳамда мазкур ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини тушуна олиши, яъни ақли расо бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтган [20].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 212-моддасига кўра, юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмаслиги белгиланган.

Умуман олганда, солиқ соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни белгилашда унинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, мулккий аҳволи, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан, давом этаётган ҳуқуқ-

бузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган.

Аммо амалиётда айрим нормалар бўйича молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар бўйича иш юритишда муддатлар билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлар фақат хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти текширилганда аниқланади.

Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган тафтиш ёки текширишларда ўрганиш учун тўлиқ молия ҳисобот йиллари олинади ва шунинг оқибатида юқорида баён этилган ҳуқуқбузарликлар солиқ тўловчининг олдинги йиллардаги фаолияти бўйича аниқланади ҳамда ўша даврдаги ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб анча вақт ўтган бўлади.

Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар фақат улар содир этилган молия йили якунигача давом этаётганлар қаторига киради, лекин молия йили якуни бўйича ҳисобот ва баланслар топширилгандан кейин улар тамомланган ҳисобланади.

Мазкур муаммоларга барҳам бериш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодекснинг 36-моддасига тегишли ўзгартиш киритиш лозим.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида савдо, тадбиркорлик ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар бўйича иш юритишда айрим ҳолатларда савдо шохобчаларида якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланма ходими ёки юридик шахс ходими томонидан харидорларга савдо фаолиятини олиб боришда уларга назорат касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган квитанцияларнинг берилмаслиги, товарларни устама нархлар асосида сотиш, тўлов терминаллари орқали савдо қилишни рад этиш каби ҳолатларда ҳуқуқбузарлик якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланма ходими ёки юридик шахснинг ходими томонидан содир этилса-да, амалиётда ушбу ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарининг назоратсизлиги оқибатида юзага келганлигини эътиборга олиб, бундай ҳуқуқбузарлик кўп миқдорда содир этилганлиги учун бунга қўшимча равишда якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзига ҳам, юридик шахснинг раҳбарига нисбатан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 164-моддаси (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, судлар томонидан жазо чоралари қўлланиб келинмоқда.

Жорий этилган тартибга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) диспозицияси савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишдир, аммо бундай ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарининг назоратсизлиги ҳам савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳисобланмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил

13 февралдаги “�збекистон Республикасида чакана савдо қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари) ни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 19-бобида савдо қоидаларининг бузилиш турлари келтирилган бўлиб, бунда якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбари томонидан қўл остидаги ходимларни назорат қилишни таъминламаслик ҳолати келтирилмаган.

Хулосалар

Бизнингча, қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифлар келтирилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 189-бандини қуйидаги “Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарининг ўз бўйсинувидаги ходим томонидан ушбу савдо қоидаларига риоя қилинишини таъминламаслиги” жумласи билан;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 190-бандини қуйидаги “Савдо қоидалари якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарининг назоратсизлиги оқибатида унинг бўйсинувидаги ходим томонидан бузилганда қўлланилади” жумлалари билан;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддасини (Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) эса “Савдо қоидаларининг бузилиши якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳба-

рининг назоратсизлиги оқибатида юзага келганда, якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарига нисбатан қўлланилади” тарзидаги алоҳида қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу нормани таҳлил қилар эканмиз, аввало, мазкур таклиф ҳуқуқни қўллаш амалиётида якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс раҳбарлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан содир этиб келинаётган савдо соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг объектив кўриб чиқилиши ва унда айб учун жавобгарлик принципага амал қилишда вужудга келаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ўз навбатида, қайд этиш лозимки, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида белгилаб берилган “Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин” деган нормада бевосита солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчилик ва молия-хўжалик, бухгалтерия, молия, статистика, банкка оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланиши керак бўлган жавобгарлик аниқ очиб берилмаган.

Таъкидлаш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида белгиланган солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ва шу каби бухгалтерия ҳисоботлари билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқбузарликлар фақат хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти текширилганда аниқланади.

Зотан, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган тафтиш ёки текширишларда ўрганиш учун тўлиқ молия ҳисобот йиллари олинади ва шунинг оқибатида юқорида баён қилинган маъмурий жазо

қўлланилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасини қуйидагича талқин қилиш таклиф этилади: “Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан, *молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган* ва давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин”.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жабҳалари қатори солиқ соҳасида ҳам ўзининг ёрқин аксини топмоқда. Бу эса, табиийки, мамлакатимизни янада раванқ топтириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш асосида халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, мамлакатимизда солиқ соҳасида қонун бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу борада соҳа қонунчилигининг тегишлича такомиллаштирилиб борилиши, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган ушбу соҳадаги қонун бузилишларининг миқдор жиҳатидан камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт жараёнлари қонунлар асосида кечар экан, зеро, жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш пухта ишлаб чиқилган ҳамда амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагина ўзининг ижобий натижасини беради. Шундай экан, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш тизимини такомиллаштириш юқоридаги мавжуд камчилик ва муаммоларнинг олди олинишида ўз самарасини беради.

REFERENCES

1. Hvan L.B. Administrativno-pravovye problemy dejatel'nosti Gosudarstvennogo nalogovogo komiteta Respubliki Uzbekistan. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Administrative and legal problems of the activity of the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 1998, 28 p.
2. Kan'jazov E.S. Administrativno-pravovye problemy osushhestvlenija nalogovogo kontrolja v Respublike Uzbekistan. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Administrative and legal problems of tax control in the Republic of Uzbekistan. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 2005, 29 p.
3. Hojiyev E.T. Soliq qonunchiligini buzganlik uchun yuridik javobgarlik [Legal liability for violation of tax legislation]. Tashkent, 2006.
4. Andreev A.V. Finansovo-pravovye sankcii. Dis. kand. jurid. nauk [Financial and legal sanctions. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 1984, 193 p.
5. Finansovoe pravo. Uchebnik. Pod red. prof. O.N. Gorbunovoj [Financial Law: Textbook. Ed. prof. O.N. Gorbunova]. Moscow, 1984, 193 p.
6. Finansovoe pravo. Uchebnik [Financial Law: Textbook]. Moscow, Yurist Publ., 1996, 400 p.
7. Gracheva E.Ju., Sokolova Je.D. Finansovoe pravo. Ucheb.posobie [Financial law: Textbook]. Moscow, Yurist Publ., 2001, 384 p.

8. Karaseva M.V. Finansovoe pravovotnoshenie. Dis. dokt. jurid. nauk [Financial legal relationship. Dissertation of Doctor of Law]. Voronezh, 1999, 369 p.
9. Krohina Ju.A. Finansovoe pravo. Uchebnik dlja vuzov [Financial law. Textbook for universities]. Moscow, Norma Publ., 2004, 704 p.
10. Li A.A. Finansovoe pravo Respubliki Uzbekistan. Uchebnik. Otv. red. M.H. Rustambaev [Financial law of the Republic of Uzbekistan. Textbook. Resp. ed. M.Kh. Rustambaev]. Tashkent, Tashkent State Law Institute, 2003, 416 p.
11. Musatkina A.A. Finansovaja otvetstvennost' v sisteme juridicheskoy otvetstvennosti. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Musatkina A.A. Financial responsibility in the system of legal responsibility. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Togliatti, 2004, 28 p.
12. Rahimova A., Hojiyev E. Moliya huquqi. Darslik [Financial law. Textbook]. Tashkent, 2002, 408 p.
13. Finansovoe pravo. Uchebnik. Otv. red. N.I. Himicheva [Financial right. Textbook. Resp. ed. N.I. Khimicheva]. Moscow, Publishing house BEK, 1996, p. 525.
14. Bilolxo'jaeva Sh., Xakimov G'T. O'zbekiston Respublikasining moliya huquqi. O'quv qo'llanma [Financial law of the Republic of Uzbekistan. Study guide]. Tashkent, 2012, vol. 1.
15. Starilov Ju.N. Otvetstvennost' za narusheniya nalovogo zakonodatel'stva [Responsibility for violations of tax legislation]. Moscow, Publishing house BEK, 1996, pp. 494-495.
16. Krohina Ju.A. Otvetstvennost' za narusheniya nalovogo zakonodatel'stva. Ponjatie, stadii i mehanizm realizacii [Responsibility for violations of tax legislation. Concept, stages and mechanism of implementation]. Hozrajstvo i pravo – Economy and law, 2003, no. 5, pp. 102-111.
17. Mudryh V.V. Otvetstvennost' za narusheniya nalovogo zakonodatel'stva [Responsibility for violations of tax legislation]. Moscow, UNITIDANA Publ., 2001, pp. 128-131.
18. Abduqodirov Sh. Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi qonunchilik bo'yicha amalga oshirilgan islohotlar va uni yanada takomillashtirish istiqbollari [Reforms in the legislation on administrative responsibility and prospects for its further improvement]. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining Axborotnomasi – Bulletin of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, 2013, no. 5, pp. 14-15.
19. Hojiyev E.T. Soliq sohasidagi ma'muriy javobgarlik. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami [Administrative responsibility in the field of taxation. Proceedings of the scientific-practical conference]. TDYuI – Tashkent State Law Institute, 2010, 37 p.
20. Berdiyarov R.T., Qurbonov Z.N. Soliq huquqi. O'quv qo'llanma [Tax law. Study guide]. Yurist-media markazi – Lawyer-media center, Tashkent, 2010, p. 240.
21. Mannonov A. Soliq solish sohasidagi ma'muriy huquqbuzarliklarning ayrim jihatlari [Some aspects of administrative offenses in the field of taxation]. Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi – Bulletin of the Supreme Economic Court, 2009, no. 1, pp. 25-26.
22. Hojiyev E.T. Soliq qonunchiligini buzganlik uchun yuridik javobgarlik. Monografiya [Legal liability for violation of tax legislation. Monograph]. Tashkent, 2006, p. 102.
23. Kirchler E., Hoelzl E., Wahl I. Enforced versus voluntary tax compliance. The "slippery slope" framework. Article. Faculty of Psychology, University of Vienna, Universitaetsstrasse 7, A-1010 Wien, Austria, Journal of Economic Psychology, 2008, no. 29.
24. Kumacheva S.Sh., Gubar E.A. Evolutionary Model of Tax Auditing. Contributions to Game Theory and Management, St. Petersburg State University, 2015, vol. 8.
25. Becker G.S. Crime and Punishment. An Economic Approach. Article. Journal of Political Economy, The University of Chicago Press, 1968, vol. 76, no. 2, pp. 169-217.
26. Allingham M.G., Sandmo A. Income tax evasion. a theoretical analysis. Article. University of Pennsylvania, Philadelphia, USA and The Norwegian School of Economics and Business Administration, Bergen, Norway. Journal of Public Economics, North Holland Publishing Company, 1972, no. 1, pp. 323-338.